# ҲУРРИЯТ

**МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА**

12-18 январь 2000 йил

2 (155) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган


# 2000 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ – ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЯНА БИР ЎЧМАС СОЛНОМАСИ БОШЛАНДИ!

**9 ЯНВАРЬ, СОАТ 23.30.** ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИНИНГ МУҲТАШАМ ЗАЛИДА БАЙРАМОНА РУҲ ҲУКМРОН. ЎНЛАБ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАР, КУЗАТУВЧИЛАР МАҲАЛЛИЙ ҲАМКАСБЛАРИ ИШТИРОКИДА ФАЙЗЛИ ДАСТУРХОН ТЕВАРАГИДА, ТАНИҚЛИ ЎЗБЕК САНЪАТ ЮЛДУЗЛАРИНИНГ КУЙ ВА ҚЎШИҚЛАРИДАН ТАРАЛАЁТГАН ШЎХ ОҲАНГЛАР ОСТИДА ЎЗ ШОДЛИКЛАРИНИ БИРГА-БИРГА БАҲАМ КЎРМОҚДАЛАР. БУ – САЙЛОВ БАЙРАМИ, МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАНИШ АЙЁМИ! ТАСАВВУР ҚИЛЯПСИЗМИ, ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН ТУРЛИ МИЛЛАТ, ТУРФА ЗАБОНЛИ МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЎЗ ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛАГАНИНИ ХУДДИ ШАХСИЙ, ОИЛАВИЙ БАЙРАМИДЕК НИШОНЛАМОҚДА. БУ ҲАҚДАГИ ХАБАРНИ ХУШХАБАР ДЕЯ ОЛАМГА ЖАР СОЛМОҚДА!



Нуриддин ИСМОИЛОВ

**ТОК Куи Лимб** Кореядан келган. Машҳур сиёсий шарҳловчи, таниқли журналист. Инглиз тилида гапиряптию, гўё ўзбекча гапираётгандек! Юз ифодасидан, чеҳрасидан таралаётган нурдан кўриниб турибди унинг ҳаяжони!

— Мен, - дейди кореялик меҳмон, - бир юз саксондан ортиқроқ давлат арбоби билан суҳбатлашганман, уларнинг ўз мамлакатларидаги нуфузини кузатиб бораман. Лекин Ислом Каримов каби ўз ватани ва ўз халқи орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор давлат раҳбарини учратмадим. Мен бугун ўзбекларга ҳавас қиляпман!

Миллий матбуот марказида шу хил кайфиятда юрганлар кўп эди! Уларнинг қайси бирини суҳбатга чорламанг, қалби ғурур ва ҳавасга тўлиб ЎЗБЕКНИНГ БАЙРАМИНИ баҳам кўраётганидан, шу улуғ айём шоҳиди ва иштирокчиси бўлаётганидан фахрланаётганини кўриш мумкин эди!

Дарҳақиқат, тўрт ойдирки, Миллий матбуот маркази Республикамиз ҳаётининг энг қайноқ, энг жўшқин гўшасига айланди. Ҳисобларга қараганда фақат сайлов билан боғлиқ ўттиздан ортиқ турли миқёслардаги матбуот анжуманлари бўлиб ўтди. Бу анжуманларда ўнлаб, юзлаб мухбирлар энг янги, энг холис хабарларни олишга муваффақ бўлдилар ва зудлик билан уларни дунё афкор оммасига бохабар қилдилар.

Сайлов нафақат Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, нафақат демократик тараққиёт йўлимизнинг тимсолига, айни вақтда ўзбек матбуоти, ўзбек журналистикасининг янги сифатий босқичга кўтарилишининг рамзига айланди! Бу ерда ими-жимида шивир-шивирларга ўрин қолмади, бу ерда майда ва бачкана ғийбатларга ўрин қолмади, чунки бораётган воқеаларнинг бари очиқ дастурхонга қўйилди.

Чунки биз ЎЗ Парламентимизни сайладик, Ўз Президентимизни танладик! Халқимизнинг сиёсий, маънавий, мафкуравий дунёқараши улкан синовдан ўтганининг гувоҳи бўлдик. Халқимиз мамлакат тақдирини ҳал қилиш борасида юксак ишончга сазовор эканини кўрсатди!

Ўтган вақт ичида жуда кўплаб журналистларнинг уйига айланган Марказда мухбирларнинг барча фаолияти учун энг замонавий шарт-шароитлар муҳайё этилди. Жумладан, "Интернет" тармоғига кириш учун компьютерлар, нусха кўчириш аппаратлари ҳаммавақт шай турди. Ўша 9 январь куни эрта тонгдан то кеч тунгача компьютерга уланган махсус экранда Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятларда бораётган сайловлар тўғрисидаги маълумотлар пешма-пеш бориб турди. Марказий Сайлов комиссияси Раиси Нажмиддин Комилов иштирокида ўша куннинг ўзида уч марта матбуот анжумани ташкил этилди.

Тан олиб айтайлик, қачон Ўзбекистонда шундай бўлган? Уддаласа бўлар экан-ку, ахборот бозорини йўлга қўйишни!

Назаримда, дунё ахборот майдони ўша куни Ўзбекистон пойтахтидаги журналистлар уйидан тарқалаётган хабарлар, фикр-мулоҳазалар, рақамлар билан тўлиб-тошди.

**Гарри Фэрлонг (АҚШ):**

— Биз сайлов участкаларининг кўпчилигида кузатувчи сифатида бўлдик. Очиғи, мен аввал ўзбеклар, умуман, шу ерда яшовчи халқлар тўғрисида кўп эшитгандим. Аммо улар билан мулоқотда бўлиш бугун менга насиб этди. Ва менда жуда катта таассурот қолдирди. Агарда Ўзбекистондаги қисқа давр мобайнида бўлган, улкан ўзгаришларни биронта мамлакатга бориб айтсангиз ишонмайди. Шунинг учун Ўзбекистонни келиб кўриш керак. Шундагина халқнинг дунёқараши, янгиликка бўлган интилишининг ҳамда ҳар бир сиёсий жараёнга жиддий эътибор беришининг гувоҳи бўлади. Ўзида ишонч ҳосил бўлади.

Президент сайлови масаласига келсак, у демократик тамойиллар асосида, ҳеч бир қонунбузарликсиз ўтаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

**Олег Якубов (Исроил):**

— Халқ хотиржам, ўз фикридан келиб чиқиб овоз бераяпти. Сайловчиларнинг бу даражада фаоллиги, менимча, сайловолди ташвиқотларнинг кўтаринки руҳда ўтказилганидан далолат беради.

**Шаҳноза Ғаниева, РЖТнинг Ўзбекистондаги махсус мухбири:**

— Биз соат 8.00 да эфирга чиқишимиз керак эди. Шу боисдан эрталаб соат 6.00 дан бошлаб сайлов участкаларида бўлдик. Биласизми, мени ҳайратга солган, ҳаяжонлантирган нарса шу бўлдики, отахонларимиз эрталабки намозларини ўқишларидан олдин, сайлов участкасига келиб овоз беришаяпти. Кейин намоз ўқишга кетишаяпти. Ахир бу юрт келажагига бўлган эътиборнинг яққол намунаси эмасми? Одатда, ўзбекларда ҳар бир хайрли ишни отахонлар бошлаб беришади. Шубҳасиз, улар бошлаб берган иш охири, албатта, хайрли бўлади.

Мен шуни яхши биламанки, Ўзбекистон халқи ҳеч бир сиёсий тадбирни эътиборсиз қолдирмайди.

**Рейнхарт Зандер (Германия):**

— Еттита сайлов участкасида бўлдик. Ҳамма жойда овоз бериш демократик тамойиллар асосида ўтмоқда. Бундан ташқари сайлов участкалари жуда яхши безатилибди. Уларда миллий руҳ уфуриб турибди. Биз сайловчилар гаплашганимизда шу нарса маълум бўлдики, улар сайловга зўр эътибор қаратишган.

**Ирина Звягельская (Россия):**

Сайловчиларга олдиндан таклифномалар тарқатилиши уларнинг фаоллигини янада оширибди. Биз сайлов участкаларида бўлганимизда ҳеч қандай қонунбузарликлар рўй бермаганлигини, ҳамма сайловчилар онгли равишда ўзи танлаган номзодига овоз бераётганининг гувоҳи бўлдик. Албатта, бу жараён мамлакатда сиёсий тадбирга бўлган зўр қизиқишдан далолат беради. Ўйлайманки, икки номзоддан қайси бири Президент бўлишидан қатъий назар, у ҳалол курашда ғолиб чиққан ҳисобланади.

* * *

Соат 24 га яқинлашмоқда. Байрам ниҳоясига етмоқда. Ҳеч ким зални тарк этгиси келмайди.

— Биз шу тўрт ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси аъзолари билан, айниқса, унинг Раиси Нажмиддин Комилов билан қадрдонлашиб кетдик, - **деди ИТАР-ТАССнинг Марказий Осиё бўйича мухбири Вилор Ниёзматов,** - у кишининг юксак маданият соҳиби эканига, интеллектуал дунёси ниҳоятда кенглигига, сайловдек мураккаб ва тиғиз сиёсий тадбирнинг ўтказилишида ғоятда холислик билан бош-қош бўла олганига гувоҳ бўлдик. Биз журналистлар ёғдирган саволларнинг, баъзан ўзимизга хос бёрган ҳийлакор саволларимизнинг бирортаси жавобсиз қолмади. Энг қийин лаҳзаларда ҳам у киши фозил инсонларга хос юксак маданиятини сақлаб қола олди. Биз журналистлар очиқ айтишимиз керакки, Ўзбекистонда бўлиб ўтган бу тадбирдан, бу комиссия аъзоларидан, Матбуот марказига раҳбарлик қилган Шерзод Қудратхўжаевдан ҳайратимизни яширмаймиз. Биз бундай тадбирларни, бу инсонларни соғиниб яшаймиз!

Ўзбек халқи ўз Президентини сайлаб олди, бу улкан воқеа хусусидаги энг дастлабки мулоҳазаларнигина баён этдик, холос. Ҳали ҳаяжонларимиз лиммо-лим, ҳали айтар сўзларимиз бисёр, Ўзбекистонни учинчи минг йилликка бошлаб кирадиган Юртбоши ва уни сайлаган халқимиз шаънига айтар сўзларимиз олдинда!..

## ХАЛҚИМ ДЕГАННИ ҲАҚ ҚЎЛЛАР

**Мустақил юртимнинг меъмори аниқ,**
**Иймондан қўйилган пойдевори ҳам.**
**Қалби қуёшидай ҳамиша ёниқ,**
**Фарзандин бағрида асрайди ўлкам.**

**Ўз-ўзидан келмас Озодлик, Ҳурлик,**
**Қон тўкиб, жон бериб, олурлар уни!**
**Душманнинг қуроли – адоват, зўрлик,**
**Кураш ва Ғалаба – умр мазмуни!**

**Ўзгалар қўшиғи дилимизга ёт,**
**Давлат мадҳияси – Миллат навоси.**
**Бағрига чорлайди нурафшон ҳаёт,**
**Юракка яқиндир Ўзбек туғроси!**

**Мамлакат байроғи – элим номуси,**
**Яшайман бахтиёр кўзимга суртиб.**
**Келажак китоби – Бахтим қомуси,**
**Ўз ҳаққи-ҳуқуқин топгандир юртим!**

**Кимки қадрланса – мўътабар инсон,**
**Бошин силаганга беради жонин.**
**Меҳнатдан келади мартабаю шон,**
**Ҳалоллаб топади насиба-нонин!**

**Мутелик, тобелик – кишан одамга,**
**Энди у ҳеч кимга бўлмайди қарам.**
**Бугун беклигидан бутун оламга**
**Жар солар, номи ҳам азиз, мукаррам.**

**Соғиниб келади Ўзбекистонни,**
**Улашай толе деб Лайлатулқадр!**
**Аллоҳ назарига тушган маконни**
**Ҳеч ким қила олмас уни бекадар?!**

**Қоринни тўйдириш мумкин бир зумда,**
**Нафс балосини қондирса бўлар!**
**Қадрнинг мезони нима, у қайда?**
**Не билан ўлчанар, ким ҳисоб айлар?**

**Ҳеч ким бу осмонга бўлолмас устун,**
**Кўрсин, барҳаётки, қадр-қимматни.**
**Умрга, вақт келиб, ясалар якун,**
**Билмасин афсус-у, ҳеч надоматни!**

**Кимки мушт кўтарса ўз онасига,**
**Биров ақчасига сотса виждонин,**
**Йўлатса ётларни остонасига,**
**Хоин денг, сотди денг элнинг иймонин!**

**Биров болам дерми оқпадарни ҳеч,**
**Ватанфурушлардан йироқ бўл, қалбим!**
**Ростин де бошингга тушса ҳам қилич,**
**Сендан воз кечмасман, эй, суюк халқим!**

**Етайлик қадрига Мустақилликни,**
**Ардоқлаб яшайлик бир-биримизни.**
**Севиб ҳур ҳаётни, асраб юракни,**
**Гул, нурга ўрайлик ўз умримизни.**

**Таниди, тан олди, Ўзбегим, жаҳон,**
**Мен сени севаман, эй, кўҳна Диёр!**
**Йўлдан чекинмайсан, Ҳазрати инсон, -**
**Аллоҳ ёрлақаган ўз Йўлбошчинг бор!**

**Дедингиз: - Бағри кенг, танти халқим бор,**
**Бермасман ҳеч кимга Ўзбекистонни!**
**Юртим омонлиги мен учун виқор,**
**Умрбод эл учун тикканман жонни!**

**Ўз меҳрин айлайди изҳор кўнгиллар:**
**"Биз - ёшлар, Сизники, қанотингизмиз!"**
**Шу жаннат диёрда сайрар булбуллар:**
**"Ҳур, порлоқ Келажак, Ҳаётингизмиз!"**

**Сиз билан танилдик бутун дунёга,**
**Истиқлол биноси қуламас зинҳор!**
**Сизсиз балогардон бало-қазога,**
**Халқимнинг ишонган Президенти бор!**

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

**9 январь куни мамлакатимизда келажагимизни белгилаб берувчи муҳим сиёсий воқеа – Президент сайлови бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозимига икки номзод – "Фидокорлар" партиясидан Ислом Каримов ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодлари кўрсатилган эди. Сайловчилар сайловда катта фаоллик кўрсатдилар. Сайловчиларнинг 95,10 фоизи, яъни рўйхатга олинган 12746903 кишидан 12123199 нафари Ўзбекистон Президенти сайловида иштирок этдилар ва овоз бердилар. Ислом Каримов учун 11147621 киши, яъни сайловчиларнинг 91,90 фоизи, Абдулҳафиз Жалолов учун эса 505161 киши – сайловчиларнинг 4,1 фоизи овоз берди. Ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар сони 470417 та – 3,92 фоизни ташкил этди. Бу ҳақда Ўзбекистон Марказий Сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов якуний матбуот анжуманида ахборот берди. Унинг таъкидлашича, сайлов жараёнида қонунларга амал қилинишини жаҳоннинг 26 мамлакатидан ташриф буюрган 121 нафар халқаро кузатувчи назорат қилиб турди.**


Тошкент шаҳридаги "Болалар дунёси" жамоа корхонаси

**Ислом Абдуғаниевич Каримовни**

**Президентлик сайловларида муваффақият қозонганлиги билан чин дилдан муборакбод этади. Бу муҳтарам зотга мустаҳкам соғлиқ, улкан зафарлар ёр бўлишини, буюк ишларида эса Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлишини тилаб қолади**


## ХОРИЖ ЭЪТИРОФИ

"Ўзбекистон президенти сайлови халқаро қоидаларга мувофиқ равишда ўтди - деди стратегик ва сиёсий тадқиқотлар Халқаро Маркази (Россия) президенти Виталий Наумкин "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. - Мен икки босқични, сайловга тайёргарлик ва овоз бериш жараёнини кузатишга мушарраф бўлдим. Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманининг бир неча сайлов участкаларида бўлдик. Ажабланарли томони шуки, Марказий сайлов комиссияси бизга истаган еримизга бориш имкониятини яратиб берди. Биринчи ёрқин таассуротимиз – сайловчиларнинг ўта фаоллиги бўлди. Баъзи сайловчилар соат эрталабки 6 бўлмасдан келиб, участканинг очилишини кутиб ўтиришганини кўрдик. Нафақат ёши улуғлар, балки ёшларнинг ҳам бундай фаоллигидан ҳайратдамиз. Сайловчилар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг мамлакат келажагини, юртнинг тақдирини ҳал этаётганликларини тушунган ҳолда овоз беришга масъулият билан ёндашганликларини англадик. Сайлов участкаларида байрам руҳи сезилиб турарди. Соат эрталабки 11 га қадар сайловчиларнинг қарийб ярми овоз бериб бўлгандилар. Биз ҳеч қандай қонунбузарликни кузатмадик, ҳаммаси халқаро қонун-қоидаларга мувофиқ равишда ўтди. Буни демократия сари қўйилган катта қадам, деб ўйлаймиз. Биз Ўзбекистонни давлат раҳбари сайлови шундай тартибли равишда ўтганлиги билан табриклаймиз".

"Мен парламент аъзосиман, ташқи ишлар бўйича Комиссия аъзоси ва Европа Комиссияси аъзосиман ҳамда Латвиянинг НАТОдаги вакилиман, - дейди кейинги суҳбатдошимиз, латвиялик кузатувчи ўзини Игорь Соловьев деб таништирар экан. - Ҳаётимда сайловларга кўп тўқнаш келганман. Собиқ шўро даврида бир неча бор участка, туман, шаҳар сайлов комиссияси раиси бўлганман. Бу соҳада анчагина тажрибага эгаман. Шуни айтмоқчиманки, техник жиҳатдан бу ерда ҳаммаси юксак савияда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги Қонунида кўрсатилганидек, биз, кузатувчиларга тарқатилган пакетда сайловлар қандай ўтказилиши кераклиги, участка қандай тайёрланган бўлиши кераклиги, бир сўз билан айтганда, бутун технология ҳақида ҳужжатлар бор эди. Бундай ҳолни кам учратамиз, одатда. Иккинчидан, сайлов демократик тартиб, муқобиллик асосида ўтказилди. Буни Ўзбекистоннинг ютуғи, деб ҳисоблайман. Одамлар билан суҳбатлашар эканман, мен ўзбекистонликлар Ислом Каримовга қанчалик яхши муносабатда эканликларини билдим ва улар ўз президентлари учун овоз беришларини сир тутмадилар. Чунки мамлакатда Каримов бошчилигида амалга оширилган ишлар Ўзбекистоннинг улкан муваффақиятидир. Мен Ислом Каримовни сиёсатчи сифатида юксак баҳолайман. Сафарим чоғида, ўтган йили Тошкентда содир бўлган фожеа тафсилотлари билан ҳам танишдим. Ислом Каримов жуда жасур инсон ва мен унинг олдида бош эгаман".

"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

ФАХР

## МИЛЛИОНЛАРНИНГ БИТТАСИМАН!

...Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди "Фидокорлар" партиясидан кўрсатилган бўлса-да, сайловолди митинг ва учрашувларда, ниҳоят куни кеча бўлиб ўтган Президентлик сайловида И.Каримов Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар номзоди эканлиги яққол кўринди.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик сақлаш, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мамлакатни бўҳронлардан омон-эсон олиб ўтиш учун Президентдан ғоятда катта билим, маҳорат, тажриба талаб этилади.

Вақтинчалик қийинчиликлар ортда қолди. Республикамиз МДҲ давлатлари ичида энг ривожланган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, обрўсига эга бўлган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бу борада Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари беқиёс. Бугунги кунда у кишидан муносиброқ йўлбошчини тасаввур этиш қийин. Шу боис ҳам 9 январни жуда сабрсизлик билан кутдим. Қаранг, Президентимиз учун 11 миллион 147 минг 621 нафар сайловчи овоз берибди. Мен эса уларнинг биттаси эканимдан жуда-жуда фахрланаман.

Омонулла ҚАМБАРОВ,
Кекса журналист, меҳнат фахрийси

**Жон куйдирган ютади!**

Уфф-э!

